

## ЁШЛАРНИ МАЊНАВИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ходжисбоева Муқаддас Ҳакимжоновна*  
*Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат*  
*чет тиллари институти тьютори*  
*+998973767511*

**Аннотация:** Мақолада ёшларни мањнавий тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасалари – ҳақиқий мањнавий тарбия омили эканлиги, **ёшлар мањнавий тарбиясига қаратилган таъсирларни ўрганишда тизимли ёндашув йўналишлари асосида** уларни қизиқтирган масалалар, ҳаётий истаклар, бандлик ва бўш вақтни тўғри ташкил этиш каби масалалар тахлил этилган.

**Аннотация:** В статье анализируется тот факт, что семья, соседство, образовательные учреждения являются реальным духовно-воспитательным фактором духовного воспитания молодежи, интересующих ее вопросов, жизненных желаний, правильной организации занятий и свободного времени на основе направлений системный подход к изучению влияния на духовное воспитание молодежи.

**Annotation:** The article analyzes the fact that the family, neighborhood, educational institutions are the real spiritual education factor in the spiritual education of young people, issues of interest to them, life desires, proper organization of employment and free time based on the directions of a systematic approach to the study of the influences on the spiritual education of young people.

**Калит сўзлар:** Ёшлар, мањнавий тарбия, оила, маҳалла, таълим муассасалари, тарбия, **ёшлар мањнавий тарбиясига қаратилган таъсирлар, ёшлар бандлиги**, ёшлар бўш вақтни тўғри ташкил этиш.

**Ключевые слова:** Молодежь, духовное воспитание, семья, соседство, образовательные учреждения, образование, влияние на духовное воспитание молодежи, трудоустройство молодежи, правильная организация досуга молодежи.

**Keywords:** Youth, spiritual education, family, neighborhood, educational institutions, upbringing, influences on youth spiritual education, youth employment, proper organization of youth free time.

### КИРИШ

Ўзбекистонда фаол фуқаролик жамияти қуриш йўлида ёшлар фаолиятини жонлантириш, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда, ҳаракатларини

мувофиқлаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ёшлар жамият ижтимоий тараққиётини ҳаракатга келтиришда муҳим куч бўлиш билан бирга, улар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий янгиланишнинг муҳим субъектларидан бўлиб, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ривожланиш ва ўзгаришларга ўзларининг ижобий ёки салбий таъсирларини ўтказмоқдалар. Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги қандай бўлиши ёшларнинг маънавий-мафкуравий дунёқарашига, ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнлардаги фаоллигига боғлиқдир.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг қуидаги “Ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Ёшларимиз олдига катта мэрраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзуумидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”<sup>1</sup> – деган сўзларини таъкидлаш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган бугунги кунда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

Ёшлар масаласи йўлида амалга оширилаётган ишларни изчил ва қатъийлик билан давом эттириш ижтимоий, сиёсий, демократик жараёнларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. 1991-2024 йиллар давомида Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш, янги иқтисодий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий тизимнинг шаклланишида, ёшлар тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали тўла ечилмаган муаммоларига эътиборни жалб этиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш факат давлат органлари, таълим муассасаларигина эмас, балки кенг жамоатчиликнинг иштирокини ҳам талаб қиласиди. Ушбу муҳим стратегик вазифани ҳал қилиш ҳозирги кунда қўп жиҳатдан оила, маҳалла, умумтаълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг биргаликда самарали фаолият олиб боришини талаб этади. Ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оилада – ота-оналар, маҳаллада – қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида – ўқитувчи ва мураббийлар келажак авлод баркамоллиги йўлида ёшларнинг улуғ аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулдирлар. Шу маънода, оила, маҳалла, таълим муассасалари – ҳақиқий маънавий тарбия омили муҳити бўлиб, миллий тарбияга

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2024. Б.-25.

хос илк тушунчалар катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила, маҳалла ва таълим муассасалари муҳитида шаклланади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

**Маънавий тарбиянинг назарий асослари:** Маънавий тарбия тушунчаси ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги назарий қарашларни таҳлил қилиш. Машхур педагог ва психолог олимларнинг (А. Қодирий, Ж. Дьюи, А. Маслоу ва бошқалар) маънавий тарбияга оид фикрлари.

**Миллий ва халқаро манбалар таҳлили:** Ўзбекистон Республикасида маънавият ва маърифат масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатлар: "Маънавий-маърифий ишлар концепцияси". Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги маънавиятта оид қоидалар. Президент қарорлари ва фармойишлари. ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг маънавий тарбия бўйича дастурлари ва тадқиқотлари.

**Тарихий тажриба ва илғор намуналар:** Ўзбек халқининг бой маданий мероси ва урф-одатлари, уларнинг маънавий тарбиядаги ўрни. Алишер Навоий, Жомий, Фаробий каби алломаларнинг маънавий камолот ҳақидаги таълимотлари. Замонавий педагогикада маънавий тарбиянинг ўрни ва амалий татбиқлари.

**Замонавий ёшлар ва маънавият:** Ёшлар маънавиятига таъсир этувчи ижтимоий ва ахборий муҳит (оммавий маданият, интернет, медиамазмун). Миллий ва халқаро тадқиқотларда ёшларнинг маънавий дунёқарашига доир натижалар.

Ёшларда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод, юксак маънавий дунёқарашни шакллантира олсак, улар маърифатли, мустақил фикрли ва баркамол инсон бўлиб вояга етади. Чунки ёшлар жамиятнинг шундай ижтимоий гурӯхига мансубки, улар ўткир ҳиссий билиш қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиётнинг номутаносиблиги ҳолатларини кучлироқ сезадилар. Катталар учун одатий бўлган айрим ҳолатлар ёшларнинг ҳали тўлиқ шаклланмаган онгига, дунёқарашига кучли таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ёшларнинг олдида ҳақиқатни айтишдан чўчимаслик, сохтакорликдан қочиш, мавжуд муаммоларни очик-ойдин баён этиш лозим. Лекин айрим ота-оналар фарзанди тарбиясини таълим муассасалари ёки жамият зиммасига ағдариб қўйиб, ўғли-қизи тақдири билан қизиқмай, "Пешонасида борини кўради" деб лоқайдлик қилишмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда ёшларнинг хулқ – авторига, маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар асосан қуидагилар:

- интернет орқали кириб келаётган турли хаёсиз, порнографик мазмундаги ахборот воситалари (дисклардаги фильмлар, клиплар, қўл телефонларидағи расмлар ва ҳокозолар) ёшларга маънавий таҳдидларни олиб келмоқда;

- ёшлар орасида “оммавий маданият”га қизиқишининг ортиши ва интернетдан тарқатилаётган нотўғри ахборотлар;
- носоғлом турмуш тарзи (ичкиликбозлиқ, кашандалик, наркомания ва бошқалар);
- зўравонликка асосланган компьютер ўйинлари;
- ота-оналарда тарбиявий савиянинг пастлиги;
- назоратсизлик ва қаровсизлик (ижтимоий етимлик);
- таълимга бўлган қизиқишининг пастлиги;
- фарзандни ота-она томонидан ҳаддан ташқари эркалатиш;
- моддий муаммолар туфайли келиб чиқадиган зиддиятлар;
- фарзандидаги ўзгаришларни сезмаслик, бефарқлик ва лоқайдлик;
- бўш вақтнинг бесамара ўтиши.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ёшларнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун аввало уларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш лозимдир. Бу эса, ўз навбатида, оила, маҳалла, таълим муассасалари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, умуман ҳар бир фуқародан масъулият, фидоийликни талаб этади. Шу жиҳатдан олганда, оила, маҳала ва таълим муассасининг асосий вазифаси жамият талабига мос баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказишидир. Ёшларнинг ватанпарварлиги оиласидаги тарбия, маҳалла ва таълим муассасаларидағи маънавий муҳитдан бошланади, ўз оиласи, маҳалласи ва таълим муассасасини қадрламаган инсон Ватанини ҳам қадрлаши қийин кечади. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси муҳити ёшлар маънавиятини шакллантирувчи омил сифатида етакчи ўринда туради. Бугунги кунда тарбиянинг барча йўналишлари ва соҳаларининг яхлитлигини талаб этадиган тарбиявий ишларга комплекс, тизимли ёндашувни таъминлаш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

## НАТИЖАЛАР

**Ёшлар тарбиясига қаратилган таъсирларни ўрганишга комплекс тизимли ёндашув йўналишларини қўйидагиларда қўриш мумкин:**

- 1. Тарбия турлари** – бадан тарбияси, ахлоқ тарбияси, меҳнат тарбияси, маънавий тарбия.
- 2. Тарбия усуллари** – индивидуал усул, жамоавий усул, оммавий усул.
- 3. Тарбия воситалари** – фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, матбуот, радио, телевидение, театр, кино, ахборот технологиялари, интернет.
- 4. Тарбия омиллари** – оила, мактаб, маҳалла, ижтимоий муҳит.
- 5. Тарбия жараёни** – ўқишигача бўлган вақт, ўқиш вақти, иш вақти, ишдан кейинги бўш вақт.

Демак, ёшлар маънавий тарбиясига қаратилган таъсирларни ўрганишда тизимли ёндашув йўналишлари асосида уларни қизиқтирган масалалар, ҳаётй истаклар, бандлик ва бўш вақтни тўғри ташкил этиш каби масалаларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, ёшларни маънавий тарбиялаш самарадорлигини оширишда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш кераклигини таъкидлади<sup>2</sup>.

Бунинг натижасида биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш;

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш;

Учинчидан, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўнимкалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташабbusларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратиш.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-куvvatлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратиш белгилаб берилди.

## **МУҲОКАМА**

Ёшларнинг келажакдаги тақдирни ва истиқболи хақида ўйлар эканмиз, бугунги глобаллашув даврида ёш баркамол авлодни маънавий тарбиялаш самарадорлигини ошириш учун қўйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ:

1. Ёшларга оид фаолият билан шуғулланадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар, ижтимоий ҳаракатлар фаолиятини такомиллаштириш, улар имкониятларидан тўла фойдаланиш.
2. Ёшлар фаолияти билан боғлиқ маънавий, маърифий-мафкуравий ишларни янада жонлантириш ва бу соҳадаги барча ишларни мувофиқлаштириш,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

маҳаллаларда ёшларга ибрат бўладиган урф-одат, анъаналарни кенг тарғиб этиш мақсадида телевидение, радио, оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишилар, тадбирлар ташкил этиш.

3. Мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртларида бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутахассислар фаолиятини янада кучайтириш ҳамда таълим муассасаларида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг миллий асосларини ривожлантириб ҳар ойда ёки уч ойда бир марта “ота-оналар куни”ни ташкил этиш. Шунингдек, ёшлар назоратини амалга оширишда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кенг йўлга қўйиш учун уларда “очик мулоқот куни”ни белгилаш. Таълим муассасаларига сурункали келмайдиган ўқувчи-ёшларни таълим муассасалари, маҳалла фаоллари ҳамда ҳамкорлик кенгаши ёрдамида ўқишига жалб этиш, тарбияси оғир ёшлар, фарзандлари тарбиясига беэътибор ота-оналар билан сурункали ва индивидуал ишлаш, уларга педагогик маслаҳатлар бериб боришни тизимли ташкил этиш.

4. Ёшлар турмуш тарзи, рухияти ва қизиқишиларини давомли ўрганадиган психологик марказларни ташкил этиш ва улар ишини маҳсус режа, дастур асосида олиб бориш.

5. Ёшлар иштирокида “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи кинофильмлар, мултфильмлар, видеороликлар, қўшиклар, расмларни тарбиявий аҳамиятини танқидий таҳлил этиш ва ёшларда мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш.

6. Ёшлар орасида миллий қадрияларни тарғиб қилиш жараёнида уларнинг ёш даврлари хусусиятини ҳисобга олиш ҳамда меҳнатсеварлик, интизом, масъулият туйғусини шакллантириш.

7. Ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш, фойдали машғулотларга кенг жалб қилиш ва турли илмий ҳамда спорт тўғараклари фаолиятини ривожлантириш.

8. Ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш учун уларни ичкилиқбозлиқ, кашандалик, наркомания, маънавиятсизлик, оммавий маданият таҳдидиларидан сақлаш мақсадида маҳаллаларда, таълим муассасаларида доимий равишда ёшлар ўртасида терроризм, диний ақидапарастлик, миссионерлик каби салбий ҳолатларнинг ҳавфини давра сухбатлари ва учрашувларда мунтазам тушинтириб бориш.

9. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли ва манзилли ташкил этиш. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёшларни, ёш оиласиарни қўллаб-қувватлаш ва уларда тиббий саводхонликни ошириш.

10. Ота-оналарнинг баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, психологик – педагогик ва физиологик билимларини оширишга

қаратилган тадбирлар, семинар – тренингларни маҳалла, таълим муасасалари ҳамкорлигига ўтказиш ҳамда керакли маслаҳатлар бериш.

11. Оилада, маҳаллада ёшлардаги ижтимоий фаоллик, ўз устида мустақил ишлаш, янгиликка интилиш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшлар тадбиркорлигига янада кенг имкониятлар яратиш.

12. Маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан ишлашда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимида “Ёшлар етакчиси” лавозимини жорий қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш.

13. Соғлом авлодни тарбиялаш учун оилада болалиқдан бошлаб экологик тарбияни шакллантириш, уларда атроф-мухит, экологияга онгли мунособатни ривожлантиришга қаратилган тарбиявий тадбирларни маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигига доимий ўтказиш, бола тарбияси намунали йўлга қўйилган оилалар тажрибасини ҳамкорликда ўрганиш ва оммалаштириш лозим.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилинадиган бўлинса, хилма-хил усулларда олиб борилаётган таълим ва тарбия ишлари жисмонан соғлом, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зоро, янги минг йилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, балки интеллектуал салоҳияти етук ва юксак маънавиятли ёшлар ҳал қиласиди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш муҳим аҳамият касб этиши лозим.

## **АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

- Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2024. Б.-25.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.
- Topildiyev, O. R. Current research journal of..., 2021–masterjournals. com. The process of spiritual education of youth, 78-82.
- Топилдиев, О. Р. (2011). Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.). Тарих фан. ном. дисс.... Т.: ЎзМУ.
- Topildiyev, O. R. (2015). The role of the family, mahallas and educational institutions in the education of youth. Society: sociology, psychology, pedagogy, 3, 29-30
- Топилдиев, О. Р. (2015). Роль семьи, махалли и образовательных учреждений в воспитании молодежи. Общество: социология, психология, педагогика, (3), 29-30.